

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти**  
**Ягона акциядорининг 5-сонли**  
**КАРОРИ**

2021 йил 30 июнь

Тошкент шаҳри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 58-моддасига асосан қўйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

- 1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан Жамият Ижро организининг ҳисботини кўриб чиқиши.**
- 2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисботини тасдиқлаш.**
- 3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисботини кўриб чиқиши.**
- 4. 2020 йил якунлари бўйича “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.**
- 5. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши.**
- 6. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласини кўриб чиқиши.**
- 7. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш масаласини кўриб чиқиши.**
- 8. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган 3 йиллик Бизнес режасини тасдиқлаш тўғрисида.**

***Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 марта ГК-4249-сонли қарорига биноан, электр энергиясини якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи худудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи хўжалик бошқарув органи сифатида ташкил этилган бўлиб, унинг

фаолияти Жамият таркибига кирувчи 14 та худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бериладиган ажратмалар ва тизимдаги корхоналар устав капиталидаги “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ улушкига ҳисобланадиган дивидендлар ҳисобига молиялаштирилади.

Шу боис Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси ушбу молиялаштириш манбаларидан келиб чиқилиб, “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ Кузатув кенгашининг 30.11.2020 йилдаги 7-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган. Мазкур Бизнес-режага кўра Жамиятнинг жами даромадлари 203,9 млрд. сўмни (шундан 144,03 млрд. сўми ажратмалар ва 59,87 млрд. сўми дивидендлар), харажатлари 180,92 млрд. сўмни ва натижада 22,99 млрд. сўм миқдорида соф фойда олиниши кўзда тутилган.

“*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг Ижро органи ва Кузатув кенгашининг 2020 йилда олиб борган харакатлари натижасида жами даромадлар 305,89 млрд. сўмни (шундан 225,0 млрд. сўми тизимдаги корхоналарнинг ажратмалари ва 80,89 млрд. сўми дивидендлар ҳамда бошқа молиявий даромадлар), харажатлар 271,83 млрд. сўмни ва соф фойда 34,06 (режага нисбатан 148,1%) млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ ижро аппарати томонидан ўзига юклатилган функционал вазифаларни бажариши натижасида Жамият тизимидағи 15 та корхонанинг барчаси 2020 йилда ўз фаолиятини жами 987,69 млрд. сўмлик соф фойда билан яқунлади. Шунингдек, 2020 йил давомида тизимдаги 14 та худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчиларга 53,6 млрд. кВтс. (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103%) жами қиймати 22,2 трлн. сўмлик электр энергияси етказиб берилган бўлиб, тасдиқланган давлат инвестиция дастурлари асосида Республиканинг барча минтақаларида жами 7957,1 км электр узатиш тармоқларини модернизация қилинишига ва 2793 та трансформатор пунктларида янгилаш ва модернизация ишлари бажарилди. Бундан ташқари 2020 йил мобайнида АСКУЭ тизимини жорий этиш дастури асосида 2 916 751 та абонентга янги замонавий электр ҳисоблагичлари ўрнатиб берилиб, 2020 йил якунни билан ўрнатилган янги электр ҳисоблагичларнинг умумий сони 5 445 030 тага етказилди.

Ўз навбатида, Жамиятнинг 2020 йил учун Бизнес-режасидаги Самарадорликни муҳим кўрсаткичлари (КР) ҳисоблаб чиқилиб, самардорликни йигинди кўрсаткичи (Интегральный коэффициент эффективности) 288,24 фоизни ташкил этди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қиласи:**

1. Жамият Ижро органининг 2020 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси асосий кўрсаткичларини сўзсиз бажарилиши бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

### ***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилиги талабларига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг йилик ҳисоботлари жамият акциядорларининг ҳисобот йили якуни бўйича умумий йигилиши ўтказилгандан сўнг икки хафта ичда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ошкор қилиши мажбурийдир.

Шу билан бирга, мустақил аудитор ташкилоти “HLB-TASHKENT” МЧЖ томонидан ўтказилган аудит текшируви натижаларига кўра “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якуnlари бўйича молиявий ҳисоботлари хаққонийлиги юзасидан ижобий хулоса берилган. Ушбу ҳисоботларга кўра Жамият бухгалтерия балансининг жами активлари микдори 14 248,27 млрд. сўмни (бунда узок муддатли активлар 12 852,75 млрд. сўмни ва жорий активлар 1 395,51 млрд сўмни), ўзлик маблағлари микдори 8 429,29 млрд. сўмни, жами мажбуриятлари 5 818,98 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, Жамиятнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботига кўра эса 2020 йилда жами даромадлар 305,89 млрд. сўмни (шу жумладан молиявий фаолиятдан олинган даромадлар 80,88 млрд. сўмни), жами харажатлари 271,83 млрд. сўмни, соф фойдаси 34,06 млрд. сўмни ташкил этган.

Ушбу молиявий ҳисоботлар асосида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якуnlари бўйича йилик ҳисоботи тайёрланган бўлиб, ушбу ҳисобот Ягона акциядор томонидан тасдиқланиши зарур.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, қарор қиласи:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якуnlари бўйича йиллик ҳисоботи иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2020 йил якуnlари бўйича йиллик ҳисоботини тегишли оммавий ахборот воситаларида ошкор этилишини таъминласин.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларининг алоқага чиқмаганлиги ва шу боис уларга Жамият фаолиятига оид тегишли маълумотларни етказиб бериш имконияти бўлмаганлиги сабабли, Жамиятнинг 2020 йил якуnlари бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосаси тақдим этилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

### ***Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 21.08.2020 йилдаги 5-сонли қарори билан Жамиятнинг Янги таркибдаги Кузатув кенгаши 1 йил муддатга сайланган.

Жамиятнинг ушбу янги такибдаги Кузатув кенгаши тарафидан 2020 йилнинг 21 августидан 2021 йилнинг 30 июнига қадар 8 марта кенгащ мажлислари ўтказилиб, ушбу мажлисларда Республикаиз қонунчилигига ва Жамият Уставида белгиланган ваколатлар доирасида, Жамият ижро органи ва ички аудит хизматининг хар чорак якуnlари бўйича

хисоботларини кўриб чиқиш, Жамиятнинг Бизнес-режаси асосий кўрсаткичларини бажарилиши бўйича хисоботларни кўриб чиқиш, Ҳукумат карорларини бажариш ва ушбу қарорлар асосида жамият томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш, Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича соғ фойдасини тақсимлаш, Жамиятнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Бизнес режасини маъқуллаш каби жами 19 та масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бундан ташкири хисобот даврида Кузатув кенгаши тавсиялари асосида Жамият Ягона акциядорининг 6-та қарори қабул қилинган бўлиб, уларда асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, жамият устав капиталини ошириш, қўшимча акциялар чикариш ва жамият уставига ўзгартиришлар киритиш каби масалалар бўйича қарорлар қабул қилинган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қиласи:**

1. “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

***Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:***

Акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Республика Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баёни билан Корпоратив бошқарув Кодекси тасдиқланган. “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖ Ягона акциядорининг 29.07.2019 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамият томонидан ушбу Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Шу билан бирга ушбу Кодекс тавсияларига риоя қилишни ўз зиммасига олган акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодексининг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш учун йилига камида бир марта корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчига баҳолатиш амалга оширилади.

Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажариш мақсадида Жамиятнинг 2020 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолатиш учун мустақил баҳоловчи “Баланс-Информ-Аудит” МЧЖ тарафидан ўтказилган ўрганиш ва ушбу ташкилот томонидан берилган 23.03.2021 йилдаги 01/01-06-сонли бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хulosасига кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими қониқарли (403 балл) деб баҳоланган.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қиласи:**

1. Мустақил баҳоловчи “Баланс-Информ-Аудит” МЧЖ томонидан “*Hududiy elektr tarmoqlari*” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими юзасидан берилган хulosаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ижро органи Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича барча зарур чораларни кўрилишини таъминласин.

***Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси 34 063 450 000,0 сўмни ташкил этган.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини қуийдаги тартибда тақсимланиши тавсия этилган:

- 50 фоизини ёки 17 037 779 874,78 сўмни (бир дона акцияга 0,2012 сўмдан) Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Конуни талабларидан келиб чиқиб дивиденд ҳисоблашга йўналтириш. Бунда ушбу сумманинг 1 703 172 500,0 сўмлик қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.2020 йилдаги 640-сонли қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига ва қолган 15 334 607 374,78 сўмлик қисмини белгиланган тартибда давлат бюджетига йўналтириш;

- 5 фоизини ёки 1 703 172 500,0 сўмни Жамиятнинг захира фондига йўналтириш;

- 10 фоизини ёки 3 406 345 000,0 сўмни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли қарорига мувофиқ Жамиятнинг инновацион фаолиятни кўллаб-кувватлаш фондига йўналтириш;

- 10 фоизини ёки 3 406 345 000,0 сўмни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Ижро органи ва меҳнат жамоаси аъзоларни мукофотлашга йўналтириш, шундан:

- Кузатув кенгаши аъзоларига 269 028 000 сўм (хар бирига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 60 баробари);

- Жамият ижро органи ва меҳнат жамоаси аъзоларига 3 137 317 000 сўм (“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ижро аппарати ходимларини йил якуни бўйича мукофотлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ).

- 1,2 фоизини ёки 408 761 400 сўмни Ягона ижтимоий тўловга йўналтириш;

- 23,8 фоизини ёки 8 101 046 225,22 сўмни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав фондига капиталлизация қилиш шарти билан давлат инвестиция дастурлари асосида амалга оширилаётган ишларни молиялаштириш учун Жамият тасарруфида қолдириш.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Кузатув кенгаши тавсияларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунинг 50, 59 ва 75-моддаларига асосан Жамият ягона акциядори, қарор қиласи:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган 34 063 450 000,0 сўмлик соф фойдасини қуийдаги тартибда тақсимлансан:

- 50 фоизини ёки 17 037 779 874,78 сўмни (бир дона акцияга 0,2012 сўмдан) Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб дивиденд ҳисоблашга йўналтириш. Бунда ушбу сумманинг 1 703 172 500,0 сўмлик қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.2020 йилдаги 640-сонли қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига ва қолган 15 334 607 374,78 сўмлик қисмини белгиланган тартибда давлат бюджетига йўналтирилсин;

- 5 фоизини ёки 1 703 172 500,0 сўмни Жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

- 10 фоизини ёки 3 406 345 000,0 сўмни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли қарорига мувофиқ Жамиятнинг инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш фондига йўналтириш;

- 10 фоизини ёки 3 406 345 000,0 сўмни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Ижро органи ва меҳнат жамоаси аъзоларни мукофотлашга йўналтириш, шундан:

- Кузатув кенгаши аъзоларига 269 028 000 сўм (хар бирига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 60 баробари);

- Жамият ижро органи ва меҳнат жамоаси аъзоларига 3 137 317 000 сўм (“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ижро аппарати ходимларини йил якуни бўйича мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ).

- 1,2 фоизини ёки 408 761 400 сўмни Ягона ижтимоий тўловга йўналтириш;

- 23,8 фоизини ёки 8 101 046 225,22 сўмни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ устав фондига капиталлизация қилиш шарти билан давлат инвестиция дастурлари асосида амалга оширилаётган ишларни молиялаштириш учун Жамият тасарруфида қолдирилсин.

#### ***Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 21.08.2020 йилдаги 5-сонли қарори билан Жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши таркиби 1 йил муддатга сайланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармонининг 2-бандига биноан 2021 йил 1 июляга қадар ушбу Фармоннинг 1-иловасига киритилган корхоналарнинг (шу жумладан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳам) бошарув органларига халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш кўзда тутилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ҳамда унинг Ягона акциядори - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тарафидан 2020 йилнинг январ-март ойлари давомида бир қатор оммавий ахборот воситаларида ва Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига танловлар эълон қилинган.

Шу билан бирга, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядори – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ушбу танловлар бўйича келиб тушган номзодлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли қарори талабларидан келиб чиқсан ҳолда Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан **қарор қиласди**:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркиби Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга қадар Жамиятнинг амалдаги қуйидаги таркибдаги Кузатув кенгashi аъзоларининг ваколати узайтирилсин:

- |                        |   |
|------------------------|---|
| 1. Ж.Т.Мирзамахмудов - | “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси.                           |
| 2. Д.Ш.Султанов -      | Молия вазирининг ўринбосари.                                |
| 3. А.А. Юлдашев -      | “Ўзэнергоинспекция” бошлиғи ўринбосари.                     |
| 4. С.Н.Жумаев -        | Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи.  |
| 5. Р.Л.Давидова -      | Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.                           |
| 6. И.А.Ниматуллаев -   | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси бош мутахасисси. |

**Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Уставига мувофиқ Жамиятнинг Ижро органи (Бошқаруви) таркиби 5 кишидан (Бошқарув раиси ва унинг 4 та ўринбосари) иборат.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 05.05.2020 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамиятнинг қуйидаги таркибдаги бошқаруви аъзолари сайдланган:

1. У.М.Мустафоев - Бошқарув раиси;
2. Р.О.Райимов - Бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари;

3. Ж.О.Обиджонов - Башқарув раисининг инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари;

4. А.А.Аскаров - Башқарув раисининг иқтисод бўйича ўринбосари в.в.б;

5. Д.Б.Носиров - Башқарув раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари.

Шунингдек, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 21.08.2020 йилдаги 5-сонли қарори билан ушбу таркибдаги башқарув аъзоларининг ваколати 1 йилга узайтирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармонининг 2-бандига биноан 2021 йил 1 июлига қадар ушбу Фармоннинг 1-иловасига киритилган корхоналарнинг (шу жумладан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳам) башқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш кўзда тутилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тарафидан 2020 йилнинг январ-март ойлари давомида бир қатор оммавий ахборот воситаларида ва Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида Жамият Башқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича ўринбосари ва Инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича ўринбосари лавозимларига танловлар эълон қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан қарор қиласди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг амалдаги Башқарув раиси У.М.Мустафоев, Башқарув раисининг биринчи ўринбосарлари Р.О.Райимов ва Ж.О.Обиджоновлар ҳамда Башқарув раисининг ўринбосари Д.Б.Носиров ва Башқарув раисининг ўринбосари в.в.б А.А.Аскаровларнинг ваколати Жамият Башқарувининг янги таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгунга қадар узайтирилсин.

#### *Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармонининг 3-бандига биноан 2021 йил 1 июлига қадар ушбу Фармоннинг 1-иловасига киритилган корхоналарнинг (шу жумладан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳам) 3 йиллик бизнес режаларини ишлаб ишлаб чиқилиши белгиланган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2021 йилга мулжалланган Бизнес режаси параметрлари доирасида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2021-2023 йилларга мулжалланган Бизнес режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг фаолияти манбаи асосан Жамият тизимидағи корхоналар томонидан амалга ошириладиган ажратмалар миқдорига ва корхоналардан олинадиган дивидендлар миқдорига боғлиқлигидан келиб чиқиб, Жамиятнинг 3 йиллик Бизнес режасини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари томонидан тасдиқланган 2021-2023 йиллар учун электр энергиясини ишлаб чиқариш в истеъмол балансининг прогноз кўрсаткичлари инобатга олинган. Бунда 2021-2023 йилларда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ фаолиятини таъминлаш учун келиб тушадиган ажратмалар миқдорини белгилашда тизимдаги 14 та худудий электр тармоқлари корхоналари тарафидан 2021 давомида иsteъmolчиларга 57,87 млрд. кВт.соат, 2022 йил давомида 59,031 млрд. кВт.соат ва 2023 йилда 60,21 млрд. кВт.соат электр энергиясини етказиб берилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, ушбу Бизнес режада “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2021-2023 йиллардаги молиявий оқимлари бўйича прогнозлар, харажат сметалари, тақсимловчи электр тармоқларини янгилаш, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича инвестицион режалари ва давлат инвестиция дастурларини бажариш бўйича прогнозлари ҳам аниқ молиявий манбаларга асосланган ҳолда белгилаб кетилган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2021 йилдаги ПФ-6096-сонли қарори ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2021-2023 йилларга мулжалланган 3 йиллик Бизнес режаси ва унинг асосий параметрлари иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2021-2023 йилларга мулжалланган Бизнес режасининг асосий кўрсаткичларини сўзсиз таъминлаш бўйича чораларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирининг  
биринчи ўринбосари

О.Насритдинходжаев